
Юксак эътироф ва мукофот муборак бўлсин!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги [Фармони](#) эълон қилинди.

Қувонарлиси, ана шундай эътирофга сазовор бўлганлар орасида тумандошимиз, Таэквондо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси Исақова Зиёдахон Абдуғаффор қизи ҳам бор бўлиб, матонатли спортчимиз “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги юксак ирода ва матонат тимсоли бўлган спортчи Зиёдахон Исақовани ушбу юксак эътироф ва мукофот билан самимий муборакбод этиб, унинг келгуси ишлари ва спортдаги фаолиятида улкан ютуқлар тилайди.

2021-09-10 22:11:07